

Қозоғистон Республикасида Учувчисиз учув аппаратларидан (УУА) фойдаланишнинг айрим жиҳатларига оид

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Қозоғистон Республикаси ўз Қуролли Кучларини ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари самарадорлигини кучайтириш мақсадида УУА технологияларини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ушбу мақсадларга эришиш йўлида ҳорижий тажрибаларни ўрганиш, ўхшаш технологияларни харид қилиш ҳамда келгусида мамлакат ҳудудида ушбу учуш воситаларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Дастлаб чет мамлакатлар УУА имкониятларини ўрганиш, сотиб олиш ва уларни синовдан ўтказиш ҳамда армия бўлинмалари учун харид қилишни ташкиллаштириш вазифаси Қозоғистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги зиммасига юклатилди.

Жумладан, ҚР МВ 2013 йилда Россиянинг “Иркут” корпорациясидан 10 дона “Иркут-10” учувчисиз разведка комплексини сотиб олди. Бундан ташқари, “Як Алакон” қозоғистон-россия қўшма корхонасининг президенти А. Топоровнинг сўзларига кўра Қозоғистон “Иркут-10”дан ташқари “Иркут- 3” УУА катта партиясини ва “Иркут-1 А” боғланма аэростатларини сотиб олишни режалаштирган. Унинг таъкидлашича, Қозоғистонда учувчисиз авиацияни ривожлантириш бўйича 2020 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг амалга оширилишида маълумотларни ернинг турли нукталарига юбориш учун спутник алоқасидаги мобил станциялар яратувчи “NET style” заводи ва компанияси иш олиб бормоқда.

(Маълумот учун: “Иркут-10” УУА заводи кечаю кундуз разведка ва кузатув вазифаларини бажариш учун мўлжалланган. “Иркут-10”нинг ҳар бир комплексига 2 та учувчисиз аппарат, шунингдек ердаги бошқарув ва хизмат кўрсатиш воситалари киради. Ҳар бир аппарат ҳавода 2 соатгача тура олади ва 70 км радиусни ўз ичига олади. УУАнинг максимал тезлиги 120 км/соат. Қанотларининг ёйилиши — 2 метр, максимал учуш оғирлиги - 8,5 кг.)

Шунингдек, РФ минтақавий иқтисодиёт вазирлиги қошидаги саноат бўйича эксперт В. Белов ўз чиқишларининг бирида, Қозоғистон 2014 йил Омскдаги ООО “кичик учувчисиз аппаратларнинг тажрибавий - конструкторлик бюроси”дан ПП-45 УУАни сотиб олганини таъкидлаб ўтди.

(Маълумот учун: УУА ПП-45 ҳаводан вазиятни кузатиш учун мўлжалланган бўлиб, объектларни кузатиш, фавқулодда вазиятлардаги ҳолатларда картография ва геодезия, шунингдек ўрмонларни қўриқлашдаги (ёнгинлар, дарахт кесишлар, браконьерлар) вазифаларни бажаришда аэрофотосъемка, йўлдаги назоратни амалга оширишга мўлжалланган. Максимал учуш оғирлиги -8,5 кг.)

Бундан ташқари, 2012 йилда Хитой томонидан Исроил наъмуналари асосида ишлаб чиқарилаётган УУАларига Қозоғистон Республика Қуролли Кучлари мутахассислари томонидан қизиқиш билдирилган. Экспертларнинг фикрича, Хитой УУАнинг нархи миллион доллардан ошмайди.

УУАни сотиб олиш масаласи билан бир қаторда, Қозоғистон Қуролли Кучларининг махсус бўлинмаларида уларни жанговар имкониятлари ва улардан мамлакат ҳудудида фойланишга яроқлилиги текширилмоқда.

Шу билан биргаликда, Қозоғистон мудофаа вазири ўринбосари С. Громовнинг таъкидлашича, Остона шаҳридаги Қозоғистон ҚК Аэромобиль кўшинларининг 36-десант-хужум бригадасида (айрим манбаларда ХХҚМ 36- бригадаси) Россия УУАнинг синовлари бўлиб ўтмоқда. “Казспецэкспорт” компанияси орқали энг яхши

намунадаги Исроил, Россия, Украина, Белоруссия аппаратларининг синовлари ўтказилди. Синовдан ўтган аппаратлар 2015 йил бошларида Қуролли Кучлари разведка бўлинмаларига қабул қилинган. Аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича консултациялар Москва аэроклублари билан биргаликда ўтказилмоқда.

Десант-хужум батальони командири генерал-майор А. Джумакаев, *“...Қозоғистон Қуролли Кучларида УУАдан кенг фойдаланиш раҳбарият томонидан маъқулланиб асосий вазифалардан бири разведка бўлинмаларини таъминлаш эканлиги белгиланди. Бу борада режали равишда мусобақа ва танловлар ўтказмоқдамиз. Бизнинг шамолли ва совуқ об-ҳаво шароитига қайси аппарат тўғри келишини кўриб чиқяпмиз. Шунингдек, 17 м/сек тезликдаги шамолда ҳамда жуда совуқ ҳавода ўтказилган синовлар пайтида 20 метр баландликка кўтарилиб қулаб тушган УУАлари ҳам кузатилди...”* деб ўз фикрларини айтиб ўтган. Генералнинг сўзларига кўра, бригадада Исроил ва Францияда ишлаб чиқарилган УУАлар имкониятини юқори баҳоланган. Унинг фикрига кўра, 2014-2015 йилларга келиб Қозоғистон армияси разведка бўлинмалари таркибидан бир-неча турдаги УУА мавжуд бўлган.

Бунга қўшимча қилиб, ҚР хавфсизлик Кенгаши секретариати бошлиғининг ўринбосари С. Танирбергеннинг фикрларини кўрсатиб ўтиш зарур. Унга кўра, тактик вазифаларни бажариш учун армия бўлинмаларига разведка УУА қабул қилинмоқда. Шунингдек зарба бериш, реал вақт режимида вазиятни кузатиш ҳамда шаҳар кўчаларида ҳуқуқий тартибга риоя қилиш учун разведка ва нишонни кўрсатувчи функцияларни бажарувчи УУАни қабул қилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, унинг фикрича, армия ва барча Қуролли тузилмалар учун турли вазифаларни бажариш мақсадида ҳар хил турдаги УУА зарур бўлади. Бу эса мудофаа вазирлиги, чегара бошқармаси, полиция идораларини замонавий ва самарадор УУА билан таъминлаш ишида тизимли характерни акс эттиради.

Булардан ташқари, Қозоғистон ҲИЧК (ҳарбий ишлаб чиқариш комплекси)лари томонидан 2015 йилдан бошлаб тайёр техникани сотиб олиш орқали барча Қуролли тузилмалар учун турли хил вазифаларни бажаришга қодир бўлган енгил турдаги УУАни йиғиш, сўнг уларни ишлаб чиқариш вазифасини ўз олдига қўйган.

Хусусан, “НК Казахстан Инжиниринг” АЖ давлат мудофаа-ишлаб чиқариш ҳолдинги бошлиғи Б. Смогуловнинг эълон қилишича, 2015 йилдан ушбу ташкилот Қозоғистон ҚК учун Америкада ишлаб чиқарилган “MALE” туридаги “General Atomics”, “Predator XP” УУАни йиғишни режалаштирган. Йиғиш ишлари Остона аэропортидаги махсус қурилган корхонада оширилади. Маълумки, ҚРнинг “Казахстан Инжиниринг” ва АҚШ нинг “General Atomics” ўртасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисидаги баёнот 2014 йил май ойида имзоланган. Мазкур баёнот билан бирга Қозоғистонда синовлар ва баҳолашни ўтказиш учун АҚШ томонидан бир дона “Predator XP” УУАни тақдим этиш тўғрисидаги компания битими имзоланган.

(Маълумот учун: “Predator XP”нинг учуш давомийлиги 40 соатгача. Махсус ишлаб чиқилган экспорт вариантларини ҳамда “General Atomics Lynx Multi-mode Radar” РЛТни олиб юради. Аппарат бошқарилади ва маълумотни КВ-диапазондаги спутник алоқаси аппаратураси орқали узатади, шунингдек тактик вазифаларни бажаради. Бу эса ҳарбийлар, ФВВ (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) ва нефтчилар манфаатлари учун хизмат қилиб ягона мониторинг қилиш тизимини пайдо қилиши мумкин).

Бироқ, ҚР ОАВ томонидан УУАни 2015 йилдан бошлаб чиқаришни эълон қилган бўлсада, 2014 йил охирида Атырау шаҳрида ўтказилган Қозоғистон Республикаси ва

Россия Федерацияси минтақалараро ҳамкорликнинг XI форуми доирасида ўзининг дастлабки УУА наъмунасини намойиш қилди. Хусусан, форумда Қозоғистонда йиғилган УУА намойиш этилди ва “Мир масел” Урал компанияси мутахассисларининг шарҳ беришларича, ҚР ишлаб чиқарилган УУА қуруқликда, тоғда ва сув остида қўйилган нефт ва газ қувурларининг ҳолатини назорат қила олади. Шунингдек, улар технологик жиҳатдан замонавий ҳамда бозордаги ўхшаш УУА турларига қараганда арзон, деб такидланди.

Булардан ташқари, Қозоғистон ҳаво мудофааси кучлари бўлинма қисмлари қўмондонлик таркибининг Олма-Отада радиоэлектроника ва алоқа ҳарбий-муҳандислик институти базасида ўтказилган ҳарбий-илмий конференциясининг асосий мақсади замонавий қуролли низоларда хорижий давлатлар авиациясидан фойдаланишнинг таҳлили ҳамда ҚР ҚК учувчилар таркибини шаҳар шароитларида жанговар ҳаракатларни олиб боришга тайёрлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш бўлди. Конференция давомида алоҳида эътибор УУАнинг имкониятларига қаратилди ва уларнинг қўлланилиши шахсий таркибга хавф туғдирмасдан реал шароитда шаҳар миқёсидаги вазиятнинг доимий мониторингини ўтказиш имконини бериши такидланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҚР ҚК томонидан замонавий уруш ва низоларни олиб бориш тизимида УУА ўрнини катта, деб белгилаб, унга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Умумий қилиб айтиш мумкинки, Қозоғистон Республикаси УУА билан жиҳозланиш ва улардан фойдаланиш орқали, авваламбор ҚК махсус бўлинмаларини замонавий уруш ёки турли шароитларда бўлинма учун юклатилган вазифаларни сифатли бажариши учун жанговар имконият яратишга эътибор қаратмоқда.

Мамлакат ҳудудида ўзининг УУАни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали Остона, Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб тегишли ҳарбий саноат базасини яратиш ва қўшинларни замонавий авиация техник воситалари (УУА) билан жиҳозлаш бўйича хорижий давлатлардан мустақилликни таъминлашга уринмоқда.

Узоқ келажакда эса, иқтисодий имкониятлари пастроқ ҳисобланган айрим давлатларга жаҳон бозоридан арзонроқ нархда ўз УУАни сотиб, ўз мавқеини қўтариш мақсадлари ҳам инкор қилинмайди.